

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12. 2019.Ped.80.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛХЎЖАЕВА МАДИНА АХМАДЖОНОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ
БИЛАН ТАНИШТИРИШ ОРҚАЛИ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълими ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12. 2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛХЎЖАЕВА МАДНА АХМАДЖОНОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ
БИЛАН ТАЙИНШТИРИШ ОРҚАЛИ АХЛОҚИЙ СIFАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРНИИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИИГ
МАЛАКАСИИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12. 2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УИИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛХЎЖАЕВА МАДИНА АХМАДЖОИОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ
БИЛАН ТАНИШТИРИШ ОРҚАЛИ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назариси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Недағоғика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оғлавлсини автореферата диссертации доктори философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Расулхўжаева Мадина Ахмаджонова

Мақтабгача ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали
ахлоқий сифатларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш.....3

Расулхўжаева Мадина Ахмаджонова

Совершенствоание методики формирования нравственных качеств у детей
дошкольного возраста путём знакомства с животным миром..... 23

Rasulkhujayeva Madina Akhmadjonovna

Improvement of the methodology for the formation of moral qualities in preschool
children through acquaintance with the animal world.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛХУҲАЕВА МАДНИА АХМАДЖОНОВА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРИНИ ҲАЙВОНИОТ ОЛАМИ
БИЛАН ТАНШИТИРИШ ОРҚАЛИ АҲЛОҚИЙ СIFАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АБТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2021.4. PhD/Ped 1517 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.mdmoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джаппенова Гаухар Эркиновна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оқинентлар:

Маматов Нормурод
фалсафа фанлари доктори, профессор

Норбонсва Мсхриццо Ачиловна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи муассаса:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Мактабгача таълим ташкилотлари директори ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 12/30.12. 2019 Ped 80 01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» сентябрь соат 10²⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; e-mail: info@mdmoi.uz)

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директори ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишув мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; e-mail: info@mdmoi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «19» апрель куни тарқатилди
(2022 йил «19» апрель даги 5 - рақамли реестр баёниномаси)



Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.С.Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.Р.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясизнинг аннотацияси)

Мавзуниң долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда таълим соҳасидаги инновацион ривожланмиш тенденцияларига мос равишда тарбияланувчиларда ижтимоий тажрибани шакллантириш, компетентли ёндашув асосида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш технологияларни татбиқ этилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларни шакллантиришга доир самарали таълим технологиялари асосида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти – OECD (Organisation for Economic Cooperation and Development) нинг ECEC (Early childhood education and care) баҳолаш дастурларининг сифатли педагогик механизмларини амалий жорий этиш юзасидан мунтазам иш олиб борилмоқда.

Дунёда таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларда аялоқий сифатларни шакллантиришининг инновацион-педагогик моделларини ривожлантириш бўйича илмий излавишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳайвонот олами билан таништириш орқали маънавий ва умуминсоний кадрларининг уйғунлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу ташкилотларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиншини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, улардаги ахлоқий сифатларни шакллантиришда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва унда фойдаланишнинг ҳуқуқий муаммолари масалаларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтирадн.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияен тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуқсиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон, 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаълиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарорлари ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қону ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

мазкур соҳага тегишли бошқа метёрий-хукукий ҳужжатларда белгилаиған вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантириш, касбий иқтисодиётни ривожлантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммониң ўрганилганлик даражаси. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялаш юзасидан Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий каби бир қатор Шарқ мутафаккирлари болаларни кичик ёшдан бошлаб табиат билан таништириш ва хайвонот олами ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришга қаратилган тарихий асарлар яратганлар.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ахлоқий тарбиялаш масалалари бўйича Ф.Р.Қодирова, О.Р.Жамолиддинова, А.Г.Григорянц, Г.Э.Джаппиева, Л.Ш.Шаиносова, Д.А.Абдурахимова, Н.Ш.Абдуллаева, З.Ф.Азизова, Г.А.Бердалиева, Д.Р.Бабаева, П.Юсунова, Г.О.Комилова, М.Қамолова, Н.Равшанова, М.А.Салихова, Д.Т.Сабирова, Ш.А.Содиқова, О.Х.Нарзуллаев, Ш.С.Шодмонова, И.Тожиева, М.Умарова, М.Р.Ҳялилова, Н.Эгамбердиева, И.Туйчиева каби педагог-олимлар томонидан атроф-муҳит таъсирида ўқувчи-ёшлар ва мактабгача ёшдаги болаларни ақлий-ахлоқий тарбиялаш ва уларнинг ижодқорлигини шакллантиришнинг идмий-педагогик асосларига оид тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) педагог олимларидан С.А.Веретенникова, В.А.Дрызгунова, К.Ельникова, А.А.Зарипова, Г.Н.Қазаручик, Н.Қриншина, М.М.Марковская, Л.М.Маневцова, С.Н.Николаева, Л.Павлова, П.Г. Саморукова, А.Удовенколар ўзларининг илмий ишларида мактабгача ёшдаги болаларни теварак-атроф билан таништиришнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этганлар.

Хорижлик тадқиқотчилар L.R.Allen, P.Donnely, M.Montessori, R.Moore, P.E.Baile, U.Bronfenbrenner, S.Broström, I.Chalufour, D.Whitbread, K.Worth, R. White, Sh.Grollman, K.S.Rosengren, J.Frejd, S.A.Gelman ҳамда R.Giffordлар болаларни ахлоқий тарбиялашда экологик таълим-тарбия беришга оид илмий ва дидактик маибалар ҳамда адабиётлар яратиш масалаларини тадқиқ этганлар.

Бирок тадқиқот муаммосига оид идмий-тадқиқот ишлари ҳамда методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари мактабгача таълим ташкилотларида болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларни шакллантириш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда махсус илмий изланиш олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация ; бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230 “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув методик қўлланмасини тайёрлаш” (2015-2017 йй.) лойиҳасини доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришда иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг дидактик ва методик таъминоти мазмуинини ёритиш, мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчи олимларнинг илмий меросларини ўргатиш ҳамда таҳлил қилиш ва ғояларини умумлаштириш;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик моделни ишлаб чиқиш;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантиришда ўзаро муносабатлар интеграцияси ва ўзаро мослашуви тизимини қайта қуриш инновацион ёндашувлари мажмуасини мувофиқлаштириш асосида аниқлаштириш;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш жараёни белгилаиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳридаги Чидонзор тумани 177-сонли ҳамда 336-сонли, Шайхонтоҳур тумани 343-сонли, Олмазор тумани 168-сонли, Жиззах шаҳридаги 5- ва 11-сонли, Тошкент вилояти Ангрей шаҳридаги 39-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларининг 477 нафар мактабгача 5-6 ёшдаги болалари ва 160 нафар респондент – тарбиячилар жалб этилди.

Тадқиқотнинг иридмети хайвонот олами билан таништириш орқали мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, методи, шахли, восита ва теҳнологияларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари ҳолатини ўрганишда назарий (тарихий, таҳлилий-статистик таҳлил), диагностик (суҳбат, ижтимоий сўровнома, тест, педагогик кузатув, тажриба-синов ва унинг натижаларини таҳлил қилиш), тадқиқот натижаларини эксперимент ва математик статистика методлари асосида қайта ишлаш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйилганлардан иборат:

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни хайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш шахсини ривожлантиришнинг

психологик механизмларини ҳисобга олган ҳолда шахсиятга йўналтирилган ёндашув асосида такомиллаштирилган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларнинг ахлокий сифатларини шакллантиришнинг педагогик модели ахлокий тарбиянинг фаол усуллари, муаммоли-ўйин усуллари ва уларнинг ўзаро таъсирини ташкил этиш шаклларига бола шахсиятининг когнитив, ҳиссий ва хулқ-атвор тарқибий қисмларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантиришда “недагог-бола-ота-она” ўзаро муносабатлари интеграцияси “Ўзаро мослашув учбурчаги” шаклидаги ёндашув асосида ўзаро таъсир жараёnlари мувофиқлаштирилган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантириш самарадорлигини ошириш мезонлари аниқлаштирилиб, таълим сифатини юксалтиришга қаратилган комплекс диагностика ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантириш ижтимоий-недагогик зарурият эканлиги асоеланган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантириш бўйича семинар-тренинглар, машғулотлар мажмуи ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилувчи педагогик модел ишлаб чиқилган;

мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи мезонлар ва кўрсаткичлар танланиб, баҳолаш воситаси сифатида фойдаланилган;

“Болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлокий сифатларини шакллантириш технологияси” номли услубий қўлланма яратилиб, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари фаолиятига ва ўтказиладиган машғулотлари жараёнига жорий қилинган;

диссертация ишининг асосий жиҳатлари мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари учун ўқув-услубий мажмуалар “Табиат билан таништириш методикаси” (09.07.2018. № DGU 05578), “Хорижий тажрибалар ва мактабгача таълимда инновациялар” (09.07.2018. № DGU 05577); республика педагогик олийгоҳлари Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун яратилган “Табиат билан таништириш” (14.08.2020. 418-сонли гувоҳнома) ўқув қўлланма дастурий таъминот мазмунида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончқилиги қўйлаинлган технологик усуллар ва тарихий манбалардан маълумотларнинг олинганлиги, таққосланган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар воситасида асоеланганлиги, ҳулоса ва

йўналиш малака талабларин, ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 августдаги ВД-5112700-3.02. маълумотиомаси; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 89-03-2514-сонли маълумотномаси). Натижада бакалаврият таълим йўналиши бўйича “Мақтабгача таълим” нииг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилгаи;

мақтабгача ёшдаги болаларин хайвонот олами билан таништириш оркали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш моделидан “Табиат билан таништириш” курси асосида яратилган ўқув қўлланмала фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 89-03-2514-сонли маълумотномаси). Натижадамақтабгача ёшдаги болаларин ахлоқий тарбиялаш компонентларин мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

мақтабгача таълим ташкилотларида “Илк қадам” мақтабгача таълим муассасаси Даалат ўқув дастурининг 3.2.4. “Билиш жараёнини ривожланиши” соҳасини такомиллаштиришда “Болаларин хайвонот олами билан таништириш оркали ахлоқий сифатларини шакллантириш технологияси” ахборот таълим ресурси яратилган ва мақтабгача таълим ташкилотларин фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 02-02/2-1574-сонли маълумотиомаси). Натижада мақтабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган таълимий фаолият болаларининг хайвонот оламига бўлган кизиқилишин, экологик онг ва экологик маланияти элементларини ривожланишига, уларнинг кейинги таълим босқичларига тайёргарлик даражасини ошишига хизмат қилган қўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг аиробацияси. Талқинот натижалари 14 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълои қилинганлиги. Диссертация мавзуои бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, 2 та ўқув қўллаима чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясин томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чон этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, шундан: 15 таси республика ва 5 таси хорижий журиалларда нашр қилинган, ЭҲМ учун дастурий махсулотлар олинганлиги тўғрисида 2 та гувоҳнома, ЭТР учун дастурий махсулотлар олинганлиги тўғрисида 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамла иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 157 бетин ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблигин ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилши даражаси ёритилган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олдинги натижаларнинг нисбатлиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эъло қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “**Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантиришининг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларини ҳайвонот олами билан таништириш орқали шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик парадигмалари, мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш муаммосининг ижтимоий-педагогик асослари, стратегик омиллари, вазифалари ва тамойиллари ёртиб берилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитларини яратиб мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнида ташкил қилишнинг мавжуд тартибни қайта кўриб чиқишни ҳамда мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг замонавий усуларини жорий этишни талаб қилади. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш болаларининг ривожланганлиги даражасини ва уларнинг умумий бошланғич таълимга тайёргарлигини, шунингдек, уларнинг ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нуқтаний, жисмоний ва ижодий ривожланишини баҳолаш асосида амалга оширилши лозим.

Мамлакатимизда миллий кадрларни қайта тиклаш ва уларни янада бойитишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат ниҳоятда кучайди. Бу борада болалар ахлоқий тарбиясини шакллантиришда миллий кадрлардан фойдаланиш алоҳида долзарблик касб этади. Шу боис мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти мазмундан болалар ахлоқий сифатларини шакллантириш масалаларининг ўрни олиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда тадқиқотнинг амалий аҳамияти замонавий талабларга кўра, мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларга дастлабки илмий дунёқарашларни моҳиятини аниқлашга эътибор қаратилишини инобатга олганини, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий мазмундаги атроф-муҳит, табиат билан инсон ўртасида кечадиган ахлоқий муносабатларни аниқлашга хизмат қилувчи ҳайвонот оламинга онд билимларини берилган қаратилган ҳаракатларини амалга ошириш мақсади қўйилган. Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган педагоглардан мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини

шакллантиришда замонавий билим асосларини чуқур эгкклаш, амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади.

XX аср охири, XXI аср бошларида инсон табиатга меҳрини эмас, балки меҳрсизлигини кўрсатди. Табиатни эъозлаш, хасталаншга йўл қўймаслик, муҳофаза қилиш учун одамларни табиатга муҳаббат ва уни аораши руҳида тарбиялаш зарур. Кўн иарса инсонга қандай тарбия берилишига боғлиқ. Агар инсоннинг гўдақлик наитидан бошлаб табиат, ундаги хайвонот оламни паррандалар, чорва моаларни, уй хайвонларига азоб бериши ва уларни ўлдириши, жонли иарсаларини бежои қилиши табиат учун ҳам, инсон ва жамият учун ҳам ўта зарарли эканини чуқур англаши инҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Табиат, атроф-муҳитни муҳофаза этишда энг тўғри йўл барча аҳолининг ахлоқий сифатларини юксалтириши, жамият тараққиётининг маънавий омилларини кучайтиришидир. Ҳар бир ота-она фарзандларини ўқитиш-тарбиялаш, жониворларни ардоқлашга ўргатишни виждонан, иймон-эътиқод, юксак маънавият асосида қил этиши зарур.

Онладан, мактабгача таълим ташкилотидан бошлаб ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор бериши даркор. Бола гўдақлик чоғиданоқ табиатга инсондан бемехрлик билан енгил-елни қараш, қушларга, хайвонларга азоб бериши, сувни ифлос ва пероф қилиши, атмосферадаги ҳар қил захарли газлар, чанг-тўзонлар билан ифлослантириши охири-оқибатда салбий оқибатларга олиб боришини англамоғи зарур.

2016 йил 19 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиши ва ундаи фойдаланиши тўғрисида” ги 408-сонли Қонунига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳақида”ги Қонун қабул қилинди². Бу янги таҳрирдаги Қонуннинг 21-моддасида хайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиши ҳамла камёб ва йўқолиб кетиши хавфи остида турган хайвон турларини сақлаб қолиши, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши бугунги инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири эканини алоҳида таъкидлаган.

Бугунги кунда инсониятнинг хайвонот дунёсига инсондан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши тажрибасини болалар оғинга енгидириши, уларда хайвонот дунёсига инсондан оқилона муносабатда бўлиши, уларни асраб-авайлаш тўғрисидаги дастлабки тушунича ва кўникмаларини машғулоти ва табиат қучоғидаги сайрларда турли технологнар орқали етказиши, мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

“Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастурини “Билиши жараёнларининг ривожланиши” соҳаси комитетида 5-6 ёшли болалар атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва ҳолатларни қузатиши табиатга ўз муносабатини намойиши эти олишига алоҳида урғу берилган.

² Ўзбекистон Республикасининг “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиши ва ундаи фойдаланиши тўғрисида” ги 408-сонли Қонунига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳақида” ги Қонун.

Ахлоқий сифатлар мактабгача ёшдаги болалар дуйёқарашини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, упи самарали ташкил этишда онг, ҳис-туйғу ҳамда хулқ-атвор бирлигига эришиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар бирлигида болалар хулқида маълум камчиликларининг юзага келиши ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг келгусида комил шахс бўлиб камол топишларига салбий таъсир кўрсатади.

Ш.Шодмонованинг таъкидлашича, “Яхши хулқли, пажобий фазилатли ота-опалардан болаларга табиий равишда энг қимматли ахлоқий сифатлар ўтиб боради. У болаларни ахлоқий тарбиялашда юқори натижаларга эришиш учун уларда ахлоқий ҳис-туйғулар, тасаввурлар ва хатти-ҳаракатларни; хулқ маданиятида ижобий сифатларни; шахсда ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш зарур, деган хулосага келади.

Н.Эгамбердиева “ахлоқийлик деганда алоҳида шахснинг ич-ичидан жамоатчилик хулқ-атворини қабул қилиш ва уни ўз дуйёқарашини, ишонч-этикодларига таянган ҳолда хусушахспий хулқ-атворини мувофиқлаштириш тушунилади”, – деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш – бу ахлоқий тарбия ижтимоий аҳамиятига кўра барқарорлик хусусиятига эга бўлган. Маълум вазиятларда уларга писбатан такрорий муносабатни тақозо этувчи муайян маданий, этик, эстетик фаолият бўйича шаклланиб сараланган ва сайқал топган одатлар мижмудан иборат.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти мазмунини акс эттирувчи замонавий талабларга мувофиқ яратилган таълимий ва тарбиявий дастурлар, тавсияномалар, кўргазмали материаллар ушбу тадқиқотнинг дастлабки босқичида амалга оширилиши зарур бўлган фаолиятнинг назарий асосларини белгилаб беришга хизмат қилади.


Диссертациянинг “Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий уларда сифатларни шакллантириш методикасининг трансформацияси” деб номланган иккинчи бобида мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий сифатларини шакллантиришда ҳайвонот олами билан таништиришнинг педагогик-психологик имкониятлари, мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг педагогик модели, мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларини шакллантиришда ҳайвонот олами билан таништиришнинг инновацион таълим технологиялари баён этилган.

Тадқиқот жараёнида “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишга қўйиладиган давлат талаблари” да болалар бирор товушни атроф-муҳит билан боғлайди (масалаи, мушукни “мяу” билан, кучуқни “вов” билан), ҳашоратларга тегиб кўриши, ҳайвонлар ва уй ҳайвонлари билан қизикниши, табиатнинг айрим ҳодисаларини фарқлашига алоҳида ургу берилиши мактабгача таълим ташкилотларида ҳайвонот олами билан таништириш орқали болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришда таълимнинг турли шакл, усул, восита ва

технологияларидан фойдаланиш зарурлиги аниқланди. Мактабгача таълим ташкилотларда машғулотларнинг инновацион таълим технологиялари воситасида тизимли ташкил этилиши илгари сурилган гоёларни ўрганишга нисбатан қизиқишни уйғотади.

Мактабгача даврида болаларда ҳайвонот олами орқали ахлоқий сифатларни шакллантириш кўп босқичли ва мураккаб жараён бўлиб, бу жараён технологик ёндашувни талаб қилади. Тадқиқот ишимизда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш тизими А.М.Кушнир томоидан ишлаб чиқилган “Табиатга мувофиқ саводхонликни тарбиялаш” технологияси асосида такомиллаштирилди.

Бу тегиологиянинг зиг эътиборли томони шундаки, у болаларда ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ғамхўрлик қилиш каби кўникмаларини коммуникативлик, креатив фикрлаш асосида шакллантиришга хизмат қилади.



1-расм. “Табиатга мувофиқ саводхонликни тарбиялаш”.

Бу тегиология тарбиялаувчиларнинг машғулот ва машғулотлардан ташқари жараёнларда мустақил ўрганишга, эътиборни ҳайвонот олами билан танишишга, уларни авайлаб-асраш, ахлоқий сифатларини, дўстона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

Тадқиқот ишимизда мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларни шакллантиришда ҳайвонот олаmidан фойдаланиш жараёнининг самарали кечиши учун ҳўйдаги вазифа белгиланди:

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари болаларда ахлоқий сифатларни шакллантиришда ҳайвонот олаmidан хабардор бўлишлари ва болаларни ёши ва қизиқиш имкониятларини ҳисобга олиш; мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг болаларда ахлоқий фаолиятларини ташкил этиш борасидаги гоёларни ифода этувчи анъаналарни аниқлай олиш лаёқатига эгалликлари; мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари томонидан ҳайвонот дунёсини ўрганиш асосида мактабгача ёшдаги болалар ахлоқий тарбиясини ташкил этишга йўналтирилган фаолият режаси ва лойиҳасини ишлаб чиқилишига эришиш; тарбиячиларнинг ҳайвонот олами

асосида мактабгача ёшдаги болалар, ахлоқий сифатларини шакллантиришни кенг кўламда изчил ва узлуксиз равишда ташкил этишга имкон берувчи зарур шарт-шароитлари ярата олишлари; тарбиячиларнинг халқ анъаналари асосида мактабгача ёшдаги болалар ахлоқий сифатларини шакллантиришни кенг кўламда изчил ва узлуксиз равишда ташкил этишлари; тарбиячилар болаларни ахлоқий сифатларини ҳайвонот олами билан таништириш орқали шакллантиришга хизмат қилувчи тадбирлар орқали самарадорлигини доимий равишда ўрганиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш асосида ахлоқий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган фаолият режаси ва лойиҳасини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш модели қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи, ўзгаро таъсирлашувчи компонентлар йиғиндисидан ташкил топган яхлит дидактик тизимдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган. Ушбу модел мақсадли, фаолиятли, амалий-технологик, ахлоқий сифатларни шакллантириш мазмуни, йўналишлари ҳамда натижавий компонентларини ўз ичига қамраб олади.

Илмий-эмпирик ўрганишларимиз натижасида болалар, хусусан, катта гуруҳ тарбияланувчиларида ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришда компетенциявий ёндашувга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мактабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш жараёни компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда замонавий дидактик воситаларни, хусусан, мультимедияли видеолавҳалар, театрлашган сюжетли-ролли, ҳаракатли ўйинлар, интеграциялашган машғулот ишланмалари элементларини қўллаш орқали такомиллаштирилди. Шунингдек, мактабгача 5-6 ёшдаги гуруҳ болаларини ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш моделида тарбияланувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш мезоиларни ва кўрсаткичлари сифатида рефлексивлик, креативлик, тадқиқотчилик фаолияти кабилар белгилаб олинди. Маъжур моделни амалиётга татбиқ этишининг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришда мактабгача 5-6 ёшдаги болаларини ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантиришда ривожлантирувчи муҳитни оптималлаштиришга амалий йўналтирилган интерфаол технологиялар (лойиҳалаштириш фаолияти, реал-экскурсия, виртуал экскурсия, ролли ўйинлар) га асосланган методикалардан фойдаланилди.

Диссертациянинг "Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси" деб номланган учинчи бобида педагогик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотнинг ечимини топишда асосий эътибор муаммониинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганилишига қаратилган.

Тадқиқот доирасида яратилган мавжуд маъбалар мазмуни билан назарий жиҳатдан танишиб чиқиш асосида амалий тажриба-синов ишларининг қай тарзда кўйилиши мақсадга мувофиқ бўлиши борасида ягона фикрга келинди. Ушбу фаолиятнинг умумий лойиҳаси (тажриба-синов ишлари дастури) ишлаб чиқилди. Тадқиқот мазмунида тажриба-синов ишларининг умумий моҳиятини очиб берилшига алоҳида эътибор қаратилди.

Мақтабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларни шакллантириш долзарб педагогик муаммо бўлиб, уни ҳал этиш мақтабгача таълим ташкилотларида ташкил этилаётган амалий фаолиятнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, унинг мазмунини таҳлил этиши тақозо этади. Мазкур талаб асосида аниқловчи тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Тадқиқот майдончаларида тажриба-синов ишлари 2015-2020 йиллар давомида олиб борилди. Тажриба-синов ишларининг уч босқичда ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади.

Мақтабгача 5-6 ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди. Ҳар бир босқичда аниқ вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, дастлабки босқичларда амалга оширилган фаолиятнинг тажриба-синов ишларининг кейинги босқичлари учун таянч маъба бўлишига эътибор қаратилди. Босқичларнинг ягона тизим, ўзаро бирлик ва алоқадорлик тамойилига мувофиқ бўлиши таъминланди. Хусусан:

1. Педагогик тажриба-синов ишларининг дастлабки ташкилий босқичи. Ушбу босқичда тадқиқот доирасида олиб борилувчи амалий фаолият мазмунини ёритувчи ҳаракат дастури ва махсус ишчи режа ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг умумий жараёни асосланди, ҳар бир босқичда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар аниқланди, уларнинг бажарилиш муддати белгиланди.

Тажриба-синов ишлари учун объект сифатида белгиланган мақтабгача таълим ташкилотларининг раҳбарлари билан мулоқотда бўлиш асосида тадқиқот ишининг амалий жараёнини ташкил этиш масаласи ҳал этилди, шу мақсадда ташкил этилувчи жараён расмийлаштирилди. Мақтабгача таълим ташкилотларининг 30 дан зиёд ходимлари билан учрашув ташкил этилиб, тажриба-синов ишларини олиб бориш учун масъул тарбиячилар белгиланди. Уларга педагогик тажриба-синов ишларини олиб боришдан кўзланган мақсад, амалий фаолият жараёнининг умумий моҳияти, кутилаётган натижалар ҳақида маълумотлар берилди.

Педагогик тажриба-синов ишларининг ўтказилишига масъул этиб белгиланган тарбиячиларнинг фаолият йўналиши ва кўлами аниқлаб олинди. Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлашда муҳим омил сифатида намоён бўлувчи тажриба ва назорат гуруҳлари белгиланиб, мазкур гуруҳларга жалб этилувчи респондентлар сони 477 нафарни ташкил этди.

Қайд этувчи тажриба-синов ишлари жараёнида ўтказилган дастлабки суҳбатлар, ҳайвонот оламига оид тушунчаларни болалар онгига сингдириш учун мавзуга оид кўргазмални қуроллардан фойдаланиш зарур, деган хулосага келдик. Чунки мактабгача ёшдаги болаларга ҳар томонилама тушунчани шакллантиришда кўргазмални ўйин машғулоти қизиқарли бўлиб, болалар хотирасида узоқ вақт сақланади.

Кўргазмални ўйин машғулоти болаларни ҳар томонлама фикр юритишга ва ўтилган мавзуларни янада пухта билиб олишларига ва уларда ҳайвонот оламига оид тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам биз тарбиячиларга тажриба гуруҳларида машғулоти ўтказишдан олдин кўргазмални қуроллар ҳамда техника воситаларидан фойдаланишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб бердик.

2. Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичи. Мазкур босқичда мактабгача ёшдаги болалар ахлоқий сифатларини шакллантириш жараёнида ҳайвонот оламиндан фойдаланиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлар яратилди.

Вазифалар мазмуни болаларнинг ёш хусусияти, қизиқишларига мос тарзда таянлаб олинди ва тизимлаштирилди. Ҳар бир гуруҳ учун машғулоти ишланмалари тайёрланди.

Машғулотларни ўтказиш бўйича тажриба-синов ишлари учун маъсул тарбиячиларга амалий кўрсатмалар берилди. Амалий машғулоти давомида тарбиячи, болалар билан мулоқот ташкил этилди.

Тарбиячилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида машғулоти ишланмалари мазмунан ва услубий жиҳатдан такомиллаштириб берилди.

3. Тажриба-синов ишларининг якуний босқичи. Мазкур босқичда асосий эътибор мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган махсус методиканинг самарадорлигини аниқлашга қаратилди. Бу йўлда тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлил этилиб, умумлаштирилди. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш орқали ахлоқий сифатларини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган махсус методиканинг самарадорлигига баҳо берилди.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида математик-статистик методдан фойдаланиб, самарадорлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишлари бўйича тажриба объекти сифатида Тошкент шаҳар, Ангрэн ва Жиззах вилоятларидаги 7 та мактабгача таълим ташкилотлари белгилаб олинди ва тажриба ишлари олиб борилди. Шунингдек, тажриба синов ишларини олиб боришда 477 нафар респондент таянлаб олинди шундан, 241 нафар респондент назорат гуруҳи, 236 нафари тажриба гуруҳига бириктирилди. Танлаб олинган гуруҳларда суҳбат, савол-жавоб, блиц-сўровнома, тест, ўйин методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари бўйича маълумот

